

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда соғ'лиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.t.uz, uzss@inbox.ru • 2011 йил, 30 август • № 34 (847)

БУЮК ВА МУҚАДДАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGINING
ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН,
ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ,
МАДАНИЯТ, САЊЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ,
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА
ИЖТИМОЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР
ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она-юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун куйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»
Ахмедова Нилуфар Жалиловна – Тиббиёт-санитария бирлашмаси 1-Марказий клиник шифохонаси бош шифокори

Дягилев Валерий Анатольевич – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали ток-

сикология ва гемодиализ бўлими мудир

Шарипова Мадина Каримовна – Республика «Она ва бола» скрининг маркази директори
«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан
Искандаров Эргаш Рўзикулович – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё вилоят филиали бош шифокори
(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGINING
ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ
ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР
ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меънати билан ишлои ва сув хўжалиги, саноат, транспорт, алоқа ҳамда йурилик соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий раётдаги фаол иштироки учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан
Икрамов Адхам Ильхамович – Ўзбекистон Республикаси Солиқни сақлаш вазири

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри, 2011 йил 25 август.

И. КАРИМОВ.



ОНА ЮРТ МАДҲИЯСИ

Оламда бир юрт бор, ягона танҳо,
Юракка бир умр яқин, ошино.
Кадрдон гўшаси бебаҳо, тилло,
Жонажон тупроғи кўзга тўтиё.

Бу – озод Ватандир, жаннат макондир,
Бу – обод Ватандир, Ўзбекистондир!
Фарзандинг эканмиз, Ватан – Онажон,
Кўксимиз сен учун пўлат қалқондир!



Оламда бир юрт бор, ойдек жамоли,
Байроғи ҳилпирар хурлик тимсоли.
Тинчлик, бахт-саодат эзгу аъмоли,
Эртаси порлоқдир, нурли иқболи.

Меҳр ва муҳаббат кўрғони – Ватан,
Унгадир бахшида, фидо жон ва тан!
Ватанни асрайди асл инсонлар,
Умрини безайди олий нишонлар!

Искандар РАҲМОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, Куролли Кучлар фахрийси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGINING YIGIRMA YILLIGI MUHOFAZATI BILAN FAN, TA'LLIM, SOGLIQNI SAQLASH, ADABIYAT, MADANIYAT, SAN'AT, MA'NAVIYAT VA MA'RIFAT, OMMAVIY AXBOROT WOSITALARI HAMDA IJTIMOY SOHALAR XODIMLARIDAN BIR GURUHINI MUHOFAZATLAH TUGRISIDA

(Давоми. Боши 1-бетда).

**«Меҳнат шухрати»
ордени билан**

Арқаев Иноят Каримович – Самарқанд вилояти, Қўшрабат туманидаги «Қовунчи» қишлоқ врачлик пункти мудири

Акилов Фарход Атауллаевич – Республика ихтисослаштирилган урология маркази директори

Тогаева Садаф Ҳасановна – Навоий вилояти, Конимех туманидаги «Чордара» қишлоқ врачлик пункти мудири

**I даражали «Соғлом
авлод учун»
ордени билан**

Тўтаназарова Гулнора Маҳмаджоновна – Тошкент вилояти руҳий-аномал гўдак болалар уйи бош шифокори

**II даражали «Соғлом
авлод учун»
ордени билан**

Абулқосимова Зухра Пирназаровна – Республика жисмоний даволаш диспансерининг врач-терапевти
Алиев Маҳмуджон Муслимович – Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг болалар хирургияси кафедраси профессори

Алимова Холида Рауфовна – Жиззах вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори

Рафиқова Ҳакима Абдувосиевна – Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг катта илмий ходими

Корачаева Минавар Абдуназаровна – Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги «Қақир» қишлоқ врачлик пункти мудири

**«Дўстлик»
ордени билан**

Ҳамроева Муқаддас Шукуровна – Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази врач-невропатологи

*Мамлакатимизда амалга ошири-
лаётган маънавий-маърифий ва иж-
тимоий ислохотлардаги фаол иш-
тироки, самарали меҳнати, ёш ав-
лодни Ватанга муҳаббат, миллий ва
умуминсоний қадриятларга ҳурмат
руҳида тарбиялаш ишига қўшган
ҳиссаси учун қуйидагилар мукофот-
лансин:*

«Шухрат» медали билан
Баратова Сайёра Раҳматовна – Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ ту-

мани кўп тармоқли марказий
поликлиникаси мудири

Исоқов Тўлқин Ҳолович – 1-Республика клиник шифохонасининг жарроҳлик бўлими мудири

Муродова Жамила Эшмирзаевна – Жиззах вилояти, Арнасой тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти патронаж ҳамшираси

Назаров Тўра Абдуллаевич – Шаҳрисабз тиббиёт коллежи директори

Олимова Ҳанифа Ҳалимовна – Наманган вилояти, Чуст туманидаги 2-болалар поликлиникасининг маҳалла ҳамшираси

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри, 2011 йил 24 август.

И. КАРИМОВ.

Ҳамкорлик ришталари

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Эътироф этиш жоизки, соғлиқни сақлаш тизимида кўплаб салоҳиятли ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан Соғлиқни сақлаш вазирлиги барча давлатлар билан ҳамкорлик борасидаги муайян ишларни ҳамжиҳатликда олиб бораётганлиги ҳеч бимизга сир эмас. Албатта, бундай ишларнинг замирида фақатгина халқимиз учун буюк неъмат бўлган соғлиқ ва тотувлик ётади.

Жорий йилнинг 23 август куни вазирликнинг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов кириш сўзи билан очиб, Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида иккала вазирлик ўртасида меморандум имзоланаётганлигини эътироф этиб, ҳамкорликдаги бундай ишлар ҳамжиҳатликда давом этишини ва эзгу ниятлар халқимиз саломатлиги йўлига қаратилганлигини таъкидлаб, иштирокчи-



ларни истиқлолимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами билан самимий қутлади. Сўнгра Корея Республикаси Соғлиқни

сақлаш ва ижтимоий муҳофаза вазири Чин Со Хи истиқлолимизнинг 20 йиллик байрами билан барчани қизгин қутлаб,



имзоланаётган меморандум икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаши билан бир қаторда, тиббиёт тизимидаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ҳамда икки томонлама етакчи клиника ва марказлардаги фаолиятлар шаклланиши ҳамда аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этишини ўз фикрларида баён қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икрамов ва Корея Республикаси Соғлиқни сақлаш

ва ижтимоий муҳофаза вазири Чин Со Хи томонидан икки томонлама меморандум имзоланди. Бунинг баробарида Республика шойинч тиббий ёрдам илмий маркази ва Корея Республикасининг Кюнг Хи номидаги университети ўртасида ҳам ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Албатта бундай ҳамкорлик иккала давлат халқларининг саломатлиги йўлида қилинаётган эзгу ишларда ўз самарасини беришига ишонамиз.

Имконият

ХАЛҚИМИЗГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ



Тақдим этилган ушбу тез ёрдам машиналари Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларнинг чекка туманларидаги аҳолига етказилди. Ва байрам арафасида халқимизнинг қувончига-қувонч улашди.

Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-1, 2» ва «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» қўшма лойиҳалари ҳамкорлигида олиб борилган ишлар аҳоли саломатлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Ана шундай ҳамкорликнинг яна бир эзгу ишлари Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида халқимизга байрам туҳфаси бўлди. «Саломатлик-2» лойиҳаси томонидан аҳолига янада сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида республикамиз тиббиёт муассасаларининг тез ёрдам бўлимларига 58 та «Дамас» автомашинаси тақдим этилди. Мазкур тез ёрдам машиналари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фармойишига асосан жойларга етказилди.



Ушбу тез ёрдам машиналари ўз манзиллари томон йўл олдилар.

Семинар

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ЭЪТИБОРИДА

Айтиш муҳимки, фуқаролар соғлигини сақлаш ва уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) бир неча йиллардан буён ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.



Шундай экан, жорий йилнинг 16-18 август кунлари Самарқанд вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида «Беморлар ҳуқуқи» мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Мазкур семинар юқорида қайд этилган ташкилотлар томонидан

Омбудсман, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЖССТнинг малакали мутахассислари томонидан ўқитилдилар. Тадбирнинг учинчи кунда Самарқанд туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кишлоқ врачлик пунктлари мудирлари, маҳалла фаоллари, ҳуқуқшуносларга тренерлар томонидан ўқув-семинари олиб борилди. Айниқса, қатнашчилар мазкур семинарда ўзларини қизиқтирган саволлар, олдиларида турган режалар бўйи-



режали лойиҳа асосида олиниб, унда Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Булунғур ва Иштихон туманларида тадқиқотлар олиб борилиши кўзда тутилган эди. Унда аввало, тиббиёт муассасалари раҳбарлари, Самарқанд тиббиёт институти ўқитувчилари ва ҳуқуқшунослар семинар давомида тренер этиб тайёрландилар. Семинарнинг икки кун давомида тренерлар

ча мутахассисларга мурожаат этдилар. Шунингдек, семинар давомида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, фаолиятларида ўз ечимини топиши мумкин бўлган масалалар бўйича ўзаро баҳслашиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини киритдилар.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Самарқанд чет тиллар институти, Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг мутасадди ходимлари иштирок этиб, ўз фикрларини билдирдилар.

Албатта, бундай семинарларни ўтказишдан мақсад, инсонлар ўз саломатлигини ҳимоя қилиш ва тиббий хизматлар кўрсатиш борасидаги ҳуқуқлари ҳамда эркинликларга риоя этишлари, бунинг баробарида эса аҳоли тиббий билими ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилгандир. Кейинги семинар вилоятнинг Булунғур ва Иштихон туманларида ўтказилиши режалаштирилган.

Давра суҳбати

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида кадрлар масаласига бўлган эътибор кучайтирилиб, улар малакасини ошириш ҳамда тажрибаларини бойитиш мақсадида узлуксиз таълим жараёнлари, шунингдек, турли мавзулардаги ўқув-семинарлар мунтазам тарзда ўтказиб келинаётганлиги ишлар самарадорлиги ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, республика миқёсида «Ҳамширалик иши» борасида олиб борилаётган муҳим тадбирлар ҳам ўз маҳсулини бераётганлиги фахрланарли ҳолдир.

ФАОЛИЯТГА ЖИДДИЙ ЁНДАШУВ



Шундай экан, жорий йилнинг 17 август кунини Ўзбекистон Ҳамширалар Кенгашининг навбатдаги кўча йиғилиши Самарқанд вилоятида бўлиб ўтди. Унда Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари ва тизимда фаолият олиб бораётган бош, етакчи ва катта ҳамширалар иштирок этдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош мутахассиси, Ўзбекистон Ҳамширалар Ассоциацияси раиси Рихси Салиходжаева кириш сўзи билан очиб, қатнашчиларни истиқлолимизнинг 20 йиллиги билан қутлаб, халқимиз саломатлиги йўлида фаолият олиб бораётган ҳамшираларимиз меҳнатига атрофчила тўхталиб ўтди. Ва ўз маърузасида тиббиёт муассасаларига ҳамшираларни ишга

қабул қилиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, вазирликнинг бу борадаги буйруқлари ўз вақтида бажарилиши ва татбиқ этилиши хусусида гапириб ўтди. Мазкур тадбирда Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Республика ўрта тиббиёт ва дорихона ходимлари малакасини ошириш ҳамда ихтисослаштириш маркази Самарқанд филиалининг мутасадди раҳбарлари ҳам сўзга чиқиб, амалдаги фаолиятлар ва муҳим масалаларда ўз фикрларини билдирдилар.


Иштирокчилар касбий маҳоратларида кўллаш олиши муҳим бўлган саволларга мутахассислардан керакли маълумотларни олдилар.

Тадбир

ҚАЛЪЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ



Сўнгра болажонлар асфальтга расм чизиш, тиббий билим викторинаси ва кувноқ стартлар эстафетаси ўйинларида иштирок этиб, ўз билим ва маҳоратларини синадилар. Ноёб истеъдодга эга бўлган болажонлар ғолиблик шохсупасидан ўрин олиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.



Истиқлолимизнинг 20 йиллиги арафасида Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали томонидан Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ва «Соғлом она – соғлом бола» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида, Мирзо Улуғбек туманидаги «SOS» болалар маҳалласида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» мавзусидаги байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда «SOS» болалар маҳалласи директори Х. Рустамов ва Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали директори Э. Маракаевалар сўзга чиқиб, иштирокчиларни байрам билан қутлаб, амалдаги фаолиятларга алоҳида урғу қаратдилар.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида республика тиббиёт муассасаларида байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 5-сон шаҳар клиник шифохонаси жамоаси ва Касаба уюшма кўмитаси томонидан кам таъминланган ходимларнинг 22 нафар фарзандини 1-синфга кузатиш ҳамда 4 нафар боланинг хатна тўйи ўтказилди. Шунингдек, тадбир давомида болажонларга концерт ва байрам столи ташкил қилиниб, уларнинг ҳар бирига ўқув қуроллари жамланган совғалар тақдим этилди.

2-3-саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Суратлар муаллифи Ибодат СОАТОВА, Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Истиқлол берган имконият

ОНА ВА БОЛА СОҒЛИҒИ ҲАЁТИМИЗ ҚУВОНЧИ

Фахр билан айтиш муҳимки, истиқлол даврида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий акушерлик ва гинекология тиббиёт марказида жаҳон стандартлари асосида гинекология, акушерлик ва неонатология соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар амалда қўлланиб келинмоқда.

Марказимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги 3923-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги «Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказларни ташкил қилиш масалалари тўғрисида»ги 145-сонли фармойиши асосида шакллантирилиб, замон талаблари даражасидаги тиббиёт муассасасига айлантирилди. Ва бугунги кунда марказимиз акушерлик ва гинекология соҳасидаги илмий-тадқиқотлар координатори ва методик маркази бўлиб, акушер-гинекологик касалликларнинг энг кўп учрайдиган турлари бўйича ташхис, даволаш, профилактика ва реабилитациянинг етакчи эффектив усул ва технологияларини ишлаб чиқиб, тарғиб қилмоқда. Бу билан репродуктив саломатлик соҳасидаги ташхис ва даволаш, шунингдек, мураккаб ва юқори технологик усуллари қўллаб,

республика аҳолиси эҳтиёжларини таъминлаб келмоқда. Бугунги кунда марказ республикадаги энг катта илмий-амалий комплекс ҳисобланиб, 10 та бўлимдан иборат. Унинг илмий бўлими эса 8 та бўлимни ўз ичига олган бўлиб, илмий кенгашига эга. Фаолиятимизнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, «Оила ва турмуш» илмий-тадқиқот поликлиникасида барча ёшдаги аёллар, эркаклар ҳамда ўсиш давридаги қизлар ва болаларга консултатив, ташхисий ҳамда амбулатор-даволаш ёрдамлари малакали врачлар, тиббиёт фанлари номзодлари ва докторлари томонидан олиб борилади. Бунинг баробарида акушер-гинекологлар билан бир қаторда, терапевт, кардиолог, нефролог, андролог, уролог, маммолог, болалар невропатологи ва бошқа мутахассислар ҳам фаолият юритадилар. Бундан ташқари, туғма касалликлар ташхиси масалалари бўйича тиббий-генетик консултатсия олиш имконияти бор. Даволанувчи ва мурожаат этувчилар учун иммунология, биокимё, клиник физиология, бактериология ва гормонал ўзгаришларнинг махсус лаборатория хоналари мавжуд

бўлиб, улар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Оналар ва болаларга янада сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида марказимиз ҳукуматлараро тузилган битимга асосан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) томонидан замонавий тиббиёт технологиялари билан жиҳозланган. Клиниканинг даволаш жараёнига хавфсиз оналик, ички шифохона инфекциялари профилактикаси, тезкор акушерликдаги анестезиология, бирламчи реанимация ва соғлом ҳамда касалланган гўдакларни парваришлаш, тирик ва ўлик туғилганлик критерияларининг янги технологиялари киритилган. Шунингдек, гинекологияда эндоскопик операциялар (лапароскопия ва гистероскопия) кенг қўлланиб, фарзандсизлик этиопатогенезини аниқлашга имкон беради ва бу билан реабилитацион чора-тадбирларни яхшилайти. Давр талаб этганидек, марказимиз замонавий компьютерлар билан тўлиқ жиҳозланган бўлиб, ҳужжат айлантирмасининг электрон тизими қабул қилинган, бу албатта, мутахассисларимиз меҳнатини энгиллаштиришга имкон бермоқда.

Фаолиятлар самарадорлигини ошириш ҳамда жойларда малакали ёрдам кўрсатиш мақсадида Қашқадарё, Наманган, Жиззах туманлари ва Қорақалпоғистон Республикасида марказимиз филиаллари очилган бўлиб, му-



тахассисларимиз уларга доимий равишда услубий ва амалий томондан ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Яна шуни таъкидлаш жоизки, марказимиз акушерлик ва гинекология соҳаси ихтисосликлари бўйича тиббий кадрларнинг тайёрлов, тайёрлов-олди ва малака оширув ўқув базаси ҳисобланади. Шунингдек, марказимиз хорижий давлатлар билан ҳамкорликда иш олиб борган ҳолда, ходимларимиз дунё миқёсида ўтказилаётган халқаро анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Амалдаги фаолиятларимиз ва қўлга киритаётган муваффақиятларимизнинг барчаси истиқлоли-

миз берган имкониятдир. Зеро, олдимиздаги асосий мақсад, она ва бола муҳофазасига қаратилган экан, барча имкониятларимизни ишга солган ҳолда Ватанимиз келажаги бўлган авлодларимиз саломатлиги йўлида самарали фаолият олиб боришга ҳаракат қиламиз.

Барчамизга Истиқлолимизнинг йигирма йиллиги файзу барака ва қувонч олиб келсин!

Саид СУЛТОНОВ,
Республика
ихтисослаштирилган
акушерлик ва
гинекология илмий-
амалий тиббиёт
маркази директори.

ЭРТАМИЗ КЕЛАЖАГИ: БАРКАМОЛ АВЛОД



Таъкидлаш муҳимки, давлатимиз томонидан ёш авлод маънан етук, баркамол бўлиб етишиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Шундай экан, бундай эзгу ниятларни амалга оширишда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Истиқлолга эришгач, тизимда ўзига хос ўзгаришлар бўлиб, бу борада тиббиёт муассасамиздаги бўлим ҳамда лабораториялар энг замонавий даволаш-диагностик асбоб-ускуналар билан таъминланган, илмий-тадқиқот ишларини халқаро андозаларга мос даражада олиб бориш имкониятига эга бўлган илмий-амалий марказга айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги 3923-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги «Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий марказларни ташкил қилиш масалалари тўғрисида»ги 145-сонли фармойиши асосида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази тасарруфида 13 та вилоят болалар кўп тармоқли марказларни ўз ичига олган ихтисослаштирилган тиб-

бий ёрдам кўрсатишнинг жипслашган тизими ташкил қилинди.

Янгидан тузилган низомга мувофиқ марказнинг асосий фаолият йўналишлари:

- болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом авлодни шакллантириш Давлат концепциясини реализация қилиш;

- болаларга кўрсатиладиган юқори малакали, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни такомиллаштириш деб белгиланди.

Марказнинг янги структураси ташкил қилинди. Унга педиатриянинг барча йўналишлари бўйича республикамиздаги болаларга энг самарали ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатадиган бўлимлар қато-

рига болалар кардиологияси, нефрологияси, неврология ва хирургия бўлимлари киритилди. Болалар консултатив-диагностик поликлиникасининг 2 қаватли янги биноси, болалар хирургияси корпуслари қурилмоқда.

Мустақиллик йилларида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги педиатрия бўйича илмий-техник кенгаш фаолияти орқали республика бўйича илмий ишларни мувофиқлаштиришни олиб бориш, илмий-техник дастурларни шакллантириш фаоллашди. Марказимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари асосида тузилган Давлат дастурларни муваффақиятли бажаришга катта ҳисса қўшди.

Марказ таркибида ҳозирги даврда фаолият кўрсатаётган гастроэнтерология, гепатология, пульмонология, неонатология, экспериментал-лаборатория, иммун профилактикаси, педиатриянинг тиббий-ижтимоий ва ташкилий муаммолари бўлими ҳамда лабораторияларда Ўзбекистонда болалар саломатлигини сақлаш ва яхшилаш, улар ўртасида касалланиш ҳамда ўлим кўрсаткичларини камайтириш, ихтисослашган тиббий ёрдам турларини такомиллаштириш, болаларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш, янги даволаш-диагностик услубларни яратиш ва бошқа долзарб муаммолар устида тадқиқот ишлари олиб борилди. Олинган натижалар амалиётга жорий қилиниб, улар педиатрия хизматининг турли соҳаларида самарали натижалар бермоқда. Мустақиллик йилларида болаларда касалланиш даражаси ва ўлим кўрсаткичларини камайтиришда муҳим ўрин эгаллаган куйидаги ишланмалар: кичик ёшли болаларни соғлиқ гуруҳларга тақсимлашнинг янги шакли; тез-тез касал бўлувчи ва сурункали касалликларга чалинган болаларнинг

оилавий реабилитацияси; қишлоқ врачлик пунктларида болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамни яхшилаш йўллари; 5 ёшгача бўлган болаларга бирламчи шифохона ёрдамни яхшилаш йўллари; болаларда сурункали гепатит В, Д, Сларни, микст гепатитларни даволаш; токсик гепатитда жигарнинг функционал ҳолатини тиклаш; болаларда ўпка, бронх касалликларини даволаш, чўзилувчан зотилжамни, бронхиал астмани даволаш; темир танқислиги камқонлигини даволаш; болаларда 12 бармоқли ичак ва ошқозон ярасини, целиакияни даволаш усуллари; сурункали гастродуоденитнинг диспансер назоратининг модифициланган схемаси; сурункали гепатитда ва энтерокалитда лямблиозни даволаш; болаларда қизамиқ ва дифтерияга қарши эмлаш натижалари; чала туғилган болаларда перинатал сепсисда модда алмаштириш жараёнини коррекциялаш; болаларда сепсисни ташхислаш, даволаш усуллари ва бошқа муҳим ишланмалар амалиёт учун тақдим этилди.

Илм-фан соҳасида марказимиз чет давлатлар билан биргаликда ҳамкорликни кенг йўлга қўйган ҳолда мутахассисларимиз халқаро конгресс, конференция, семинарларда иштирок этиб, жаҳон олимлари билан тиббиётнинг долзарб муаммолари бўйича фикр алмашдилар. Шунингдек, марказимиз ютуқлари бир неча бор халқаро кўргазмаларда намойиш қилинди (Россия, Хитой, Лаос).

Марказ бўлими ва лабораториялари 2008-2011 йилларда I, II, III, IV Республика инновацион ғоялар ва технологиялар ярмаркасида янги ишланмалар билан иштирок этди. Энг муҳими, истиқлолимиз шарофати билан марказимизда янги илмий йўналишлар қарор топди, бўлим ва лабораторияларнинг моддий-техник асослари мустаҳкамланиб, айни кунда 25 хилдан ортиқ клиник ва биохимик текширувлар ўтказадиган аппаратуралар мавжуд. Марказимизда илмий салоҳиятни

янада ривожлантириш йўлида илмий-амалий, фундаментал, инновацион лойиҳаларни бажаришда 15 нафар фан доктори ва 35 нафар фан номзоди фаолият кўрсатмоқда. Мутахассисларимиз илғор технологияларни республиканинг барча болалар ва туғруқ муассасаларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг куйидаги дастурларини татбиқ қилмоқдалар:

- болалар дўстона муносабат шифохоналарини яратиш;
- кўкрак сути билан боқиб бўйича консултатсия;
- болалар касалликларини интегрланган усулда олиб бориш;
- онадан болага ВИЧ инфекцияси ўтиши профилактикаси;
- ВИЧ борасида болалар касалликларини интегрланган усулда олиб бориш.

Юқоридаги фикрларимизнинг ҳулосаси сифатида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар – туғилиш кўрсаткичи 33 фоизга, гўдаклар ва 5 ёшгача болалар ўлими деярли 3 баробарга, кам ваэнда туғилган болалар сони 1,5 баробарга камайиши, шунингдек, мутлоқ она сути билан боқилувчи гўдаклар сони ортиб боришини эътироф билан айтиш жоиз. Албатта бундай ютуқларни қўлга киритишимизда, аввало, Юртбошимиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда барча халқаро ташкилотларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Мақсадимиз келажақ авлодларимиз саломатлиги йўлида самарали ишлар олиб бориб, бор куч ва имкониятларимиздан унумли фойдаланишдир. Барчангизни энг азиз ва энг улғу байрамимиз Истиқлолнинг йигирма йиллиги билан қутлаб, оилангизга тинчлик-хотиржамлик, ишларингизда омад тилаб қолам!

Роза ДЖУБАТОВА,
Республика
ихтисослаштирилган
педиатрия илмий-амалий
тиббиёт маркази
директори.

Истиқлол берган имконият

АМАЛИЙ ФАОЛИЯТДАГИ САМАРАДОРЛИК

Этирофлиси шундаки, мустақиллик йилларида ҳар бир соҳада оламшумул ўзгаришлар бўлиб, катта ютуқларга эришилди. Шу жумладан, республика соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ўзига хос муваффақиятлар қўлга киритилиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошди. Тиббиётнинг барча йўналишлари қатори Республика гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти мамлакатимизда гематология ва трансфузиология соҳасидаги етакчи муассасалардан ҳисобланиб, бу борада ҳам ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шундай экан, давлатимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги республикада аҳолига гематологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш ҳамда қон хизматини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Беморларга ихтисослаштирилган гематологик ёрдам кўрсатишни яхшилаш мақсадида клиникада бўлимларнинг жойлашуви ва структурасида ўзгаришлар қилинди. Илгари бошқа-бошқа худудларда жойлашган клиниканинг стационар даволаш, консультатив ва лаборатор ди-агностика бўлимлари истиқлол даврида бир худудга жамланди. Клиниканинг моддий-техник базаси яхшиланиб, бўлимлар капитал таъмирдан чиқарилди. Натижада, беморлар стационар ҳолатда даволаниш учун янада яхшироқ шароитларга эга бўлдилар. Дори-дармон ва қон препаратлари билан таъминланиши, диагностика имкониятлари яхшиланиши диагностика-даволаш сифатидаги кўрсаткичларда, жумладан, лейкоз бўлган беморлар ремиссиясида, ҳаётларидаги ижобий ўзгаришларда ўз аксини тоғди ва уларда асорат ҳамда ўлим кўрсаткичлари камайди. Беморларни клиникага жойлаштириш вилоятлар даволаш-профилактика муассасалари йўлланмаси асосида амалга оширилади, бу эса республиканинг барча минтақаларидаги беморларнинг гематологик ёрдам олишлари учун имкон беради.

Институт 2003 йилдан бери Бутунжаҳон Гемофилия Ассоциациясининг аъзоси бўлиб, гемофилия билан касалланган беморларнинг республика ассоциацияси ташкил қилинган. Институтда охириги йиллари гемофилия беморлари ташхиси, даволаш муаммолари бўйича анча ютуқларга эришилди. Ново-Нордиск гемофилия фонди билан олинган лойиҳа доирасида эпидемиологик текширишлар ўтказилиб, республика бўйича биринчи миллий гемофилия беморлар реестри тузилди. Бу беморлар 2007 йилда "Меҳр нури" фонди томонидан тўлиқ таъмирлаб берилган гемофилия ва қон яратиш тизими депрессияси марказида даволанишга ютган давр мобайнида илмий ҳодимларимиз гемофилия беморларида учрайдиган сурункали синовитларни рифампицин, этил спирити билан даволаш усуллари

тирок этмоқда. Бу дастур бўйича "Гли-век" препаратининг қўлланилиши сурункали миелолейкоз беморларни даволашда катта бурилиш бўлди. Мазкур препарат беморларнинг 95 фоизи яшаб кетишига ёрдам бермоқда. Ҳозирги кунга келиб республика бўйича 600 нафарга яқин сурункали миелолейкозга чалинган беморлар бу дастур доирасида "Гли-век" препаратини бепул олмақдалар.

Мустақиллик йилларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва давлатимиз томонидан оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Шулар орасида оналар ва болаларда кенг тарқалган темир етишмовчилиги камқонлиги ҳамда фолат кислотасининг етишмовчилигини камайтиришга қаратилган дастурлар иш-лаб чиқилди ва амалга ошириш бошланди. Булар – «Хавф гуруҳлар орасида темир препаратлари ва фолат кислотасининг ҳафталик саплементацияси Дастури» ва «Унни бойитиш бўйича миллий Дастур» бўлиб, ушбу дастурлар жаҳон тажриба-



зиммасига юклатилган. Ҳозирга келиб, вирусли ва бактериал инфекцияларни (вирусли гепатит, цитомегаловирус, ТОРЧ-инфекциялар) топишнинг иммунологик ва молекуллар-генетик усуллар билан комбинацияланган янги замонавий усуллари клиник амалиётга жорий қилиш ишлари йўлга қўйилди. Баъзи генетик патологияларни (хромосома патологиялари, гемофилия, лейкоз, эритро-ремия, Виллеландт касаллиги, талассе-мия) аниқлашнинг усуллари (цитогене-тик-кариотиплаш) йўлга қўйилди.

Институт базасида "Сукцинатол" (инъекция шакли) маҳаллий янги препарати яратилди ва у клиник амалиётга муваффақиятли жорий қилинди. Мазкур препаратнинг асосий компоненти, ҳужайра-лардаги энергетик алмашувни яхшилаш, ишга лаёқатлилиқ қобилиятини орттириш, иммунитетни фаоллаштириш ва организмдан токсинли моддаларни чиқариш хусу-сиятга эга янтарь кислотасидир. Туркиянинг ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги (ТИКА) томонидан инсонпар-варлик ёрдами сифатида гемопоэтик ўзак

ларига ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўрсатмаларига асосланиб, кўпгина мамлакатларда қўлланиб келин-моқда. Ўзбекистон Республикаси Соғ-лиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 16 августдаги 391-сонли буйруғига асо-сан институт базасида Камқонлик мар-кази ташкил қилинди. Дастурларни жой-ларда самарали жорий этиш ва амалий ёрдам кўрсатиш, тарғибот ишларини таш-кил этиш ҳамда уларда бевосита қатна-шиш, шунингдек, камқонликнинг келиб чиқиш омилларини чуқур ўрганиш, уни ташхислаш, даволаш муаммоларига қар-тилган илмий текширувлар ўтказиш, тур-ли халқаро ташкилотлар билан ҳамкор-лик ўрнатиб янги дастурлар ишлаб чи-қиш каби вазифалар Камқонлик маркази

ҳужайраларини кўчириб ўтказишда иш-латиладиган асбоб-анжомлар олинди. ТИКА ташкилоти ёрдамида 18 нафар хо-дим Туркиянинг Банянди, Дишкани, Анқара онкомарказларида ўзак ҳужайра-ларни кўчириб ўтказиш бўйича тайёр-ликдан ўтиб келишди. Шу йилнинг охи-рларида институт клиникасида гемопоэтик ўзак ҳужайраларини кўчириб ўтказиш маркази ўз ишини бошлади.

Ҳукуматимиз томонидан 2004 йилда Осиё тараққиёт банки билан "Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш" лойиҳа-си доирасида шартнома имзоланганди. Лойиҳа бўйича "Аҳолини хавфсиз қон би-лан таъминлаш Дастури" амалга оширилиб, республика қон қуйиш хизмати учун, жум-ладан, институт қон қуйиш станцияси, за-монавий асбоб-ускуналар, улар учун зарур хом ашёлар сотиб олинди ҳамда ишлаб чиқарилаётган қон ва унинг компонентла-ри сифати ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қон қуйиш станциялари замона-вий юқори технологияли асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ушбу ускуналар катта ҳажмда ишлаб чиқариш қобилиятига эга ва уларнинг ҳар бири вилоятлар аҳолисини қон ва унинг компонентлари билан таъ-минлай олади. Ундан ташқари, ҳукумати-миз томонидан қон қуйиш станцияларига қонни сайёр гуруҳлар ёрдамида тайёрлаш ва тайёр қон маҳсулотларини даволаш муассасаларига олиб бориш учун автотран-спорт воситалари сотиб олинди. Ҳозирда Осиё тараққиёт банкнинг "Аҳолини хавф-сиз қон билан таъминлаш Дастури" лойи-ҳаси бўйича республикада қон хизматини босқичма-босқич марказлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу кунларда инвестицион дастур дои-расида институтимиз ҳудудида янги, Ўрта Осиё минтақасида ягона, тозаланган ҳаво билан таъминланувчи, гематологик бе-морларга самарали даволаниш имкония-тини янада оширадиган бино қурилиши олиб борилмоқда. Бу бинода катталар ва болалар учун ҳар бири 40 ўрин-жойдан иборат онкогематология бўлимлари очиш, дунё стандартларига жавоб бера-диган, замонавий диагностика асбоб-ус-куналари билан жиҳозланган лаборато-рия ташкил этиш режалаштирилган.

Юқорида таъкидлаб ўтган амалдаги фаолиятларимиз билан бир қаторда, қилиниши керак бўлган ишларимиз-дан яна бири бу инсон гемопоэтик ўзак ҳужайраларини кўчириб ўтказиш бўйи-ча илмий-амалий ишларни кенг йўлга қўйишдир. Албатта халқимиз саломат-лиги йўлида олиб бораётган бундай эзгу ниятли ишларимизни давом этти-риб, соғлиқни сақлаш тизими янада ривожланишига ўз ҳиссамизни қўша-миз.

Ҳамид КАРИМОВ,
Республика гематология ва қон
қуйиш илмий-текшириш
институти директори.

ДАВР ТАЛАБИ: ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШ

Сирдарё
вилояти

Мустақиллик давридаги фаолиятларга назар ташлай-диган бўлсак, тезкорлик ҳамда босқичма-босқич амалга оширилган ишлар самарасини ҳар бир соҳада қўриши-миз мумкин. Шу фурсат ичида республика соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ижобий ишлар амалга ошири-либ, Ўзбекистон тиббиёти жаҳон ҳамжамиятидан ўрин олди десам, муболаға бўлмайди.

Замонавий тиббиёт маскан-ларининг барпо этилиши, давр талабига мос келадиган янги технологиялар ҳамда малака-ли кадрлар сонининг ортиб бораётганлиги, албатта, фахр-ланарли ҳолдир. Муҳими шун-даки, тиббиётнинг ҳар бир йўналиши бўйича босқичма-босқич амалга оширилган иш-лар бугунга келиб, ўз ифода-сини берди.

Жумладан, Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Соғ-лиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғриси-да"ги ПФ-2107-сонли Фармони асосида республика бўйича соғлиқни сақлаш тизимида кенг

қўламли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизи-мида ҳам диққатга молик иш-лар қилинди. Айниқса, давлат сиёсатининг устувор вазифала-ридан бири бўлган бирламчи бўғиндаги фаолиятлар изчиллик билан олиб борилиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш дара-жаси яхши йўлга қўйилди. ФАП-лар ўрнига янги замонавий тип-даги ҚВП ва ШВПлар ишга ту-ширилди, уларнинг 94 таси (63 фоизи) лойиҳа дастури асосида янгидан қурилган бўлса, 55 таси реконструкция қилинди.

Барча ҚВПлар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозла-ниб, «Аристон» сув иситиш мос-

ламалари, маҳаллий электрдви-жоклар, компьютерлар, шунинг-дек, 25 та ҚВПда дорихона ша-ҳобчалари очилди. Мавжуд ҚВП-ларга 93 дона фотокалоримет-рия (ФЭК) биохимик анализато-ри, 24 та стоматологик тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналар, кури-тиш шкафлари берилди. Мазкур ишларни амалга оширишда, тиббий жиҳозлар билан таъмин-лашда "Саломатлик-1", "Саломат-лик-2" лойиҳаларининг ҳиссаси катта бўлди. Жорий йилнинг би-ринчи ярим йиллигида ҚВПлар учун 126 миллион сўмлик тиб-бий асбоб-ускуналар ва жиҳоз-лар етказиб берилди. Мустақил-лигимизнинг 20 йиллиги арафа-сида Боёвут туманида янги ҚВП қурилди, 2 та ҚВПда реконст-рукция ишлари амалга оширил-ди.

Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг 2009 йил 21 майда-ги "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаш-тириш тўғрисида"ги ПҚ-1114-сон-

ли Қарори бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Соғ-лиқни сақлаш вазирлиги томо-нидан жорий йилда вилоятдаги тез тиббий ёрдам моддий-техник базасини янада яхшилаш бора-сида вилоят қон қуйиш станция-си, Сирдарё туман тиббиёт бир-лашмаси ва Сайхунобод туман тиббиёт бирлашмасига бир до-надан «Дамас» автотранспорт во-ситаси берилди.

Халқимиз саломатлигини сақ-лаш, оналик ва болаликни му-ҳофаза қилиш, соғлом авлод тар-бияси, репродуктив саломатлик, тиббиёт муассасаларининг мод-дий-техник базасини мустаҳкам-лаш, аҳолининг тиббий мадания-тини ошириш билан боғлиқ ма-салага алоҳида эътибор қар-тилган бўлиб, бу борада Ўзбе-кистон Республикаси Президен-тининг ПҚ-1096-сонли "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакл-лантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда

"2009-2013 йилларда аҳоли-нинг репродуктив саломатли-гини мустаҳкамлаш, соғлом ав-лод туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги иш-ларни янада кучайтириш ва са-марадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғриси-да"ги ПҚ-1144-сонли Қарорла-ри бўйича фаолиятлар изчил-лик билан олиб борилмоқда.

Шунингдек, Президентни-мизнинг 2008 йил 18 июндаги "Болаликдан ногиронлар туғи-лишининг олдини олиш учун тумна ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дас-тури тўғрисида"ги ПҚ-892-сон-ли Қарорига биноан вилоят-да она ва бола скрининг мар-кази иш бошлади. Вилоят ҳокимлигининг қарори билан скрининг маркази биносини таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун маҳаллий бюджет-дан 127 миллион сўм маблағ (Давоми 6-бетда).

Истиқлол берган имконият

ДАВР ТАЛАБИ: ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШ

(Давоми. Боши 5-бетда).

ажратилиб, таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. «Она ва бола» скрининг Давлат дастури асосида туғма ногиронликнинг олдини олиш мақсадида скрининг – оммавий текширув тадбирлари амалга оширилмоқда. Антенатал скрининг дастурига асосан 16015 нафар ҳомиладор аёл УЗД текширувидан ўтказилди.

«Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш»га қаратилган (Осиё тараққиёт банки) лойиҳа доирасида вилоятдаги туғруқ муассасалари замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий жихозлар, яъни ультратовуш аппарати, чақалоқларни даволаш учун реанимация ва жарроҳлик тиббий жихозлари, суюнсий нафас бериш аппаратлари билан таъминланди.


Вилоятда оналар ва болаларга перинатал даврдаги парваришни яхшилаш мақсадида вилоят перинатал маркази ташкил этилди, марказ-

нинг яна бир янги хирургик корпуси инвестицион дастур асосида бюджет маблағлари ҳисобига 2010 йилнинг октябр ойида яқунланиб, вилоят аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун ишга туширилди. Диагностика соҳасини асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича ўтган 20 йил ичида катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, 93 та ҚВП фотокалориметрия (ФЭК) биохимик анализатори, вилоят перинатал маркази УТТ, рентген, дефибрилятор, хирургик жихозлар, вилоят ўсмирлар диспансери «Амико» рақамли компьютерли флюороаппарат билан таъминланди. Республика шойилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиалига замонавий компьютер-томография аппарати ўрнатилиб, ишга туширилди.

Юртимизда эпидемиологик барқарорлик сақлаб турилиши натижасида юқумли касалликларнинг олди олинаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Шу жумладан, вилоятимизда эпидемияга қарши олиб борилган

чора-тадбирлар натижасида кейинги йилларда шол, қоқшол, бўғма, кутуриш, менингококк инфекциялари, шунингдек, ўта хавфли юқумли касалликлар қайд этилмади. Вирусли гепатит касалликларининг йилдан-йилга камайиши кузатилмоқда.

Айтиш муҳимки, эпидемик вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида охириги йилларда барча шаҳар ва туманлар эҳтиёжига асосан полиомиелит, қизамик, паротит, қизилча, дифтерия, кўкйўтал, қоқшол, вирусли гепатит Вга қарши вакциналар билан тўлиқ таъминланиб, 2 ёшгача болаларни эмлаш билан қамраб олиш 95,5-99,7 фоизни ташкил қилмоқда. Эпидемик кўрсатма бўйича полиомиелит, қизамик, қизилча касалликларига қарши оммавий эмлаш тадбирлари ўтказилиб, улар жараёнида вакцина, тарғибот-ташвиқот материаллари билан таъминланиш етарли даражада олиб борилди ва вилоятдаги барча аҳоли тўлиқ эмланди. Бугунги кунда барча шаҳар ва туманларда эмлаш пунктлари ташкил қилинган бўлиб, ушбу жой-



ларда зарур шарт-шароитлар яратилган, яъни эмлаш хоналари таъмирланиб, совутгичлар, шокка қарши дори-дармонлар билан таъминланган.

Кейинги йилларда иммунопрофилактика ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Иммунопрофилактика тадбирларини олиб бориш, яъни вакциналарни сақлаш ва транспортировка қилиш «совуқлик занжири»га

алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЮНИСЕФ томонидан барча шаҳар ва туманлар ДСЭН-Мларига совутгич, музлаткич ва термомониторлар, бирламчи даволаш-профилактика муассасаларига эса термосумкалар берилди.

Ф. ШАРИПОВ,
Сирдарё вилояти
соғлиқни сақлаш
бошқармаси бошлиғи.

К 20-летию независимости

ДОСТИЖЕНИЯ В ОБЛАСТИ ФТИЗИАТРИИ И ПУЛЬМОНОЛОГИИ

Прежде чем писать о достижениях нашего центра за годы независимости, хотелось бы вспомнить краткую историю его развития. Истоки Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра фтизиатрии и пульмонологии им. акад. Ш. А. Алимова МЗ РУз уходят далеко в прошлое. Открытие его в 1932 году в г.Самарканде под именем Узбекского научно-исследовательского института туберкулеза стало важной вехой в развитии противотуберкулезной службы в Узбекистане.

Для приближения института к другим республиканским научным учреждениям он в 1936 г. был переведен в г.Ташкент. Рост неспецифических заболеваний легких и приоритетность проблемы пульмонологии для Узбекистана послужили преобразованием его в 1989 году в Научно-исследовательский институт фтизиатрии и пульмонологии. Проводимые в годы независимости в Республике Узбекистан масштабные реформы во всех сферах, в том числе и в здравоохранении, призванные оказанию специализированной медицинской помощи на высоком уровне и требований международных стандартов, способствовали в 2009 году преобразованию института в нынешний центр на основании Указа и Постановления Президента Республики Узбекистан (2007 г.) и Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан (2009 г.)

Становление, развитие института и превращение его в крупный научный центр связаны с именем академика АН РУз Ш. А. Алимова, работу которого достойно продолжили доктор медицинских наук, профессор А. А. Каланходжаев, академик АН РУз А. М. Убайдуллаев. В настоящее время директором центра является доктор медицинских наук М. Н. Тилляшайхов, который неустанно трудится и энергично осуществляет реализацию Государственной Программы по борьбе с туберкулезом в Республике Узбекистан на 2011-2015 годы.

За годы независимости центр провел 9 научно-практических конференций с международным участием, из них 4 съезда (IV, V, VI, VII съезды фтизиатров и пульмонологов Узбекистана), два Международных конгресса (I Конгресс аллергологов и пульмонологов Центральной Азии, IV Конгресс Евроазиатского респиратор-



ного общества и V Конгресс ассоциации пульмонологов Центральной Азии), две юбилейные конференции, одно Межреспубликанское совещание (для Центральной Азии), а также три научных сессии, 12 – выездных, 8 конференций молодых ученых.

Центр за годы независимости завоевал международный авторитет и признание, является штаб-квартирой Ассоциации пульмонологов Центральной Азии, созданной в 1994 г., сотрудничает с Центральным НИИ туберкулеза РАМН г.Москва, с НИИ фтизиопульмонологии г. Санкт-Петербург, с НИИ фтизиопульмонологии г. Киева, Супранациональной референс-лабораторией г. Гаутинг, Германия, с Ташкентской медицинской академией, Ташкентским институтом усовершенствования врачей и др. Сотрудники центра регулярно принимают участие в работе международных и зарубежных конгрессов и других форумов. География поездок ученых центра охватывает мно-

гие страны и континенты: Рим, Амстердам, Мюнхен, Варшава, Берлин, Брюссель, Хельсинки, Стокгольм, Флоренция, Ницца, Вена, Париж, Женева, Зальцбург, Севилья, Барселона, София, Бухарест, Будапешт, Чикаго, Вашингтон, Нью-Йорк, Атланта, Мехико, Дели, Стамбул, Каир, Токио, Сеул,

Москва, Санкт-Петербург и другие города СНГ. За годы независимости сотрудниками центра изданы 8 монографий, 6 сборников научных трудов, 62 методических документа, 68 брошюр, клиническое руководство «Туберкулез» на русском, «Сил касаллиги» на узбекском языках (2010), Формулярная система «Туберкулез» (2000), перевод на узбекский язык книги Д.Крофтона «Клиника туберкулеза» (1999), Альманах об институте, 2 библиографических указателя. Сотрудники института опубликовали более 1,5 тыс. трудов, из которых более 300 журнальных статей. Центр с 1996 г. издает научно-практический журнал «Вестник Ассоциации пульмонологов Центральной Азии», вышло 14 выпусков журнала. Сотрудники центра активно занимаются изобретательством, получено 12 авторских свидетельств и патентов на изобретения.

В структуре центра в настоящее время функционирует 3 научных отдела, совместно с клиникой работают более 40 научных сотрудников и врачей, из которых 10 докторов наук и профессоров, академик АН РУз, заслуженный деятель науки и техники РУз, 13 кандидатов наук. В 2000 г. в центре открыта Национальная референс-лаборатория по туберкулезу, в 2001 г. – Республиканский центр по реализации программы борьбы с туберкулезом DOTS, в 2003 г. – Учебный центр по контролю и профилактике туберкулеза.

За последние годы значительно выросла роль центра как базы для подготовки научных кадров. Существует институт стажера-исследователя-соискателя и старшего научного сотрудника-соискателя по фтизиатрии и пульмонологии. С 1993 г. в центре функционирует Специализированный совет Д.087.50.01, который принимает к защите докторские и кандидатские диссертации по специальностям фтизиатрии и пульмонологии. За годы независимости в центре сотрудниками защищены 14 докторских и 42 кандидатских диссертаций.

Основными направлениями научных исследований в настоящее время являются:

– разработка новых подходов к организации диагностики, диспансерного наблюдения и экспертизы трудоспособности больных хронической обструктивной болезнью легких на уровне первичного звена здравоохранения;

– разработка новой тактики химиопрофилактики, улучшения переносимости химиотерапии и усовершенствования хирургического лечения больных при лекарственно-устойчивом туберкулезе легких;

– оптимизация подходов к диагностике туберкулеза и изучение его распространенности и особенности клинического течения на разных стадиях ВИЧ-инфекции.

Д. МУХТАРОВ,
заместитель директора по науке
РСНПМЦФИП, д.м.н.,
А. ИРГАШОВ,
старший научный сотрудник
РСНПМЦФИП, к.м.н.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
БУЙРУҒИ

2011 йил 15 август № 243 Тошкент шаҳри

"Ўзбекистон Республикаси
таълим муассасаларига қабул
қилиш бўйича Давлат
комиссиясининг 5-сон баёни
ижроси тўғрисида"

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 5-сон баёни (15.08.2011 й. 07/1-481-сонли) ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг 5-сон баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юрлари Бош бошқармаси (Ш. Э. Атаханов), тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари ва директорлари (Ш. И. Каримов, Б. Т. Даминов, А. Н. Юнусхўжаев, А. К. Шодманов, Р. М. Аҳмедов, А. М. Шамсиев, О. Т. Оллабергенов, М. Абдурахманов, О. А. Атаниязова)га:

- тест натижалари эълон қилинган кундан эътиборан жойларда хавфсизликни таъминлаш, ёнгин ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун зарур шарт-шароитларни яратиш, лозим пайтда тиббий хизмат кўрсатиш чораларини кўриш бўйича ишлар амалга оширилсин;

- жорий йилнинг 20 августига қадар давлат гранти асосида талабалikka тавсия этилган абитуриентларни талабалikka қабул қилиш бўйича, жорий йилнинг 15 сентябрга қадар тўлов-контракт асосида талабалikka тавсия этилган ҳамда шартнома шартларини бажарган абитуриентларни талабалikka қабул қилиш бўйича буйруқлар расмийлаштирилиши таъминлансин;

- олий тиббий таълим муассасаларини битираётган мутахассисларга бериладиган дипломни "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талабларига мослаштириш мақсадида 2012 йилдан бошлаб тиббиёт олий таълим муассасалари 1-босқичини тамомлаган битирувчиларга ўрнатилган тартибда бакалавр дипломи берилиши таъминлансин.

1 ой муддатда тегишли йўналишларнинг Давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритилсин ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқлансин.

Давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритиш бўйича масъул олий таълим муассасалари 1-иловага мувофиқ белгилансин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юрлари Бош бошқармаси (Ш. Э. Атаханов), тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари ва директорлари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ҳамда уларнинг филиаллари, илмий-текшириш институтлари ва илмий марказлари директорларига:

- 2011 йилгача (2011 йил киритилган ҳолда) клиник ординатурага қабул қилинган, шунингдек, 2006 йилгача аспирантура ва изланувчиликка қабул қилинган "фармация" йўналиши битирувчиларига номзодлик диссертациясини химоя қилишга рухсат берилсин. Ушбу баён қарори муассасаларнинг илмий кенгашида эълон қилинсин ҳамда клиник ординатор, аспирант ва изланувчиларга, шунингдек, 2006 йилгача аспирантура ва изланувчиликка қабул қилинган "фармация" йўналиши битирувчиларига етказилсин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юрлари Бош бошқармаси бошлиғи Ш. Э. Атаханов, бошқарма бошлиғи ўринбосари М. Х. Алимова ва бошқарманинг бош мутахассиси С. К. Назаровага:

- Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси ишчи гуруҳининг фуқароларни қабул қилиш жадвали асосида Давлат тест марказида фуқароларни қабул қилиш ишларида қатнашиши таъминлансин.

5. Мазкур буйруқ ижроси назорати вазирнинг биринчи ўринбосари А. В. Алимов зиммасига юклатилсин.

Вазир

А. ИКРАМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 15 августдаги 243-сонли буйруғига 1-илова

Давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар
киритиш бўйича масъул олий таълим муассасалари

№	Бакалаврият таълим йўналишлари	Масъул тиббиёт олий таълим муассасаси
1	Даволаш иши	Тошкент тиббиёт академияси
2	Тиббий-педагогика иши	Тошкент тиббиёт академияси
3	Стоматология иши	Тошкент тиббиёт академияси
4	Тиббий-профилактика иши	Тошкент тиббиёт академияси
5	Педиатрия иши	Тошкент педиатрия тиббиёт институти
6	Олий ҳамширалик иши	Тошкент педиатрия тиббиёт институти
7	Фармация	Тошкент фармацевтика институти
8	Касб таълими (фармация)	Тошкент фармацевтика институти

Изоҳ: давлат таълим стандартларига киритилган ўзгартиришлар барча тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари билан келишилсин.

Дил изҳори

ЭЗГУЛИККА ИНТИЛИБ...

Юртимиздаги ўз касбининг мохир устаси, қалби пок, жонкуяр тиббиёт ходимлари тўғрисида қанчалар фахрлиб гапирсак арзийди. Ана шундай касб эгалари Тошкент шаҳри Шайхонтохур туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 44-оилавий поликлиникада халқимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилаётганини кўриб, мамнун бўласан киши. Мазкур поликлиника ҳудудида 40 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Тиббиёт муассасасига кириб боришингиз билан у ердаги хушманзаралик, тозалик ва озодалик, шунингдек, ходимларнинг сами-

мият билан кутиб олишлари қалбимизни янада тўлқинлантириб, дарддан тезда халос бўлишингизга катта ёрдам бермоқда. Маҳалламиздаги фуқаро ва пенсионерлар номидан поликлиника бош шифокори М. Раҳматиллаева, ўринбосари Ш. Исмамова, бўлим мудри И. Мирвапаева, кундузги бўлим шифокори Ш. Зоҳидова, ВТК шифокори Н. Насриддинова, физиотерапия врачлари Д. Зияева, маҳалла врачлари Г. Абдуллаева, невропатолог З. Мирагамова, кардиолог Г. Муҳиддинова, котиба И. Исамухамедова ва бири-биридан чаққон ҳамшираларга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Яна

этироф этмоқчиманки, саломатлигимизни ўйлаб, барча имкониятларни яратаётган Президентимизга, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳам ташаккуримни изҳор этаман.

Озод ва обод Ватанда яшаётганлигимдан фахрлиб, сиз азизларни энг улуг ва энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан самимий қутлаб, оилангизга тинчлик-хотиржамлик ўзингизга эзгулик ва ишларингизга омад тилайман.

Маҳмаджон АХМАДЖОНОВ,
Тошкент шаҳри,
Шайхонтохур тумани.

Тахририятимизга Тошкент шаҳри Олмазор туманида жойлашган «Янги Себзор», «Себзор», «Тахтапул» маҳалла фуқаролари томонидан келган мактубда жорий йилнинг 15-17 август кунлари Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Аҳкам Икрамов ташаббуси билан ташкил этилган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин» шiori остида тиббиёт оламнинг тажрибали мутахассислари иштирокида чуқурлаштирил-

ган саломатлик ҳафталиги зўр мамнуният билан ўтганлиги ва бу тадбир Мустақиллигимизнинг 20 йиллигида уларга катта тўхфа бўлганлигини эътироф этиб, ўз миннатдорчилиklarини билдирадилар.

Самарқандлик уруш ва меҳнат фахрийси Р. Очилов, Нуронийларни қўллаб-қувватлаш Каттақўрғон шаҳар бўлими бошлиғи Б. Шукуров, «Маҳалла» жамғармаси Каттақўрғон шаҳар бўлими раиси А. Юсуповлар аввало, республика соғлиқни сақлаш тизимида олиб

борилаётган ютуқли ишлардан хурсандлиklarини баён этадилар. Ва Каттақўрғон шаҳар тез тиббий ёрдам бўлими давр талаби даражасида қад кўтарганлиги ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги, шунингдек, яқинда республика миқёсида ўтказилган «Энг намунавий тез

тиббий ёрдам» кўрик танловида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, «Дамас» автомашинасини қўлга киритганлигини ва ана шундай муваффақиятларга эришишда давлатимиз ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг беқиёс ўрни борлигини чексиз ҳурмат билан тилга оладилар.

Урганч шаҳри Наврўз шаҳарчасида истиқомат қилувчи Х. Абдуллаев оғир дардга чалинганлигини ва ундан тезда фориг этган Хоразм вилоят кўп тармоқли шифохонасининг тажрибали шифокорлари Б. Исмоилов, Р. Матчонов, А. Сагиров, Р. Ярашевларнинг фидойи меҳнатларидан мамнун бўлганлигини изҳор этади.

Тошкентлик М. Орипова қўли енгил, қалби пок ва ўз билимининг фидойилари бўлган Тошкент шаҳар онкология маркази бош врачлари М. Ғофурхонов бошчилигидаги тиббиёт ходимлари меҳнатидан хурсанд бўлиб, уларнинг ширин сўзи ва сифатли даво муолажаларини ўз вақтида олганлигини ҳамда дардига даво топганлигини билдиради.

Фаргоналик З. Абдурахимова фарзанди Миродилжоннинг аҳволи оғир бўлганлигини ва унинг ҳаётини сақлаб қолишда Фаргона вилоят шифохонаси септик жарроҳлик хирургияси бўлимидаги тиббиёт ходимларидан Л. Никитина, Ё. Мирзаева, Ё. Эргашева, Ф. Турсунов, К. Рўзиева, реанимация бўлими жонкуяр шифокори А. Валиевларнинг камтарона меҳнатларини ва уларнинг хушмуомала, ширин сўзлигини фахр билан тилга олиб ўз ташаккурини билдиради.

Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармаси фахрийлари номидан Фаридун Урунов анча йиллардан буён қандли диабет касаллиги билан оғриганлиги ва доимий даво муолажаларини олишини, шунингдек, жорий йилда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида даволаниб, саломатлиги тикланганлиги ҳамда марказ раҳбари Б. Аляви, тажрибали врач Ж. Шодиевлар ва бир қанча мутахассислар меҳнатидан мамнунлигини дил сўзларида ифодалайди.

Благодарность

СПАСИБО ЗА ЗАБОТУ И УЧАСТИЕ

Наше государство придает большое значение развитию медицины, и мы, пациенты, чувствуем это. Я считаю, что трудовые будни врачей, возвращающих к жизни больных людей, не должны оставаться незамеченными. Моему мужу в Республиканском онкологическом центре была проведена операция, которая прошла успешно. Операцию проводил Б.Юсупов. Хочу поблагодарить его за теплое отношение к больным, золотые руки, высокий профессионализм. В канун 20-летия независимости Республики Узбекистан хотим выразить искреннюю благодарность врачам от лица многих людей, которые обращаются к ним с надеждой на выздоровление, и пожелать творческих успехов в таком нужном труде.

Семья Хегай,
г. Ташкент.

Мы долгие годы проживаем в Узбекистане и видим изменения, происходящие в нашей стране. Особенно это стало заметно в последние годы. Строятся новые больницы, СВП, появляются молодые специалисты. Об этом мы узнаём со страниц газеты "Здравоохранение Узбекистана". В канун праздника Дня независимости очень хочется поздравить работников системы здравоохранения и пожелать им успехов в работе: А. Алимова, М. Соатову, А. Аляви, Ф. Зиганшену, Г. Кенжаеву, Н. Юнусову.

Ю. Чиркунов,
И. Гордеев, И. Ефтеев
и др., г. Ташкент.

В Кибрайской городской больнице в кардиологическом отделении работает Г. Салиева. За долгие годы она спасла многие жизни и мою в том числе. Умная, добрая, она просто творит чудеса. Гл.врач А. Усманов – врач от бога, с богатым врачебным опытом, требующий от медперсонала высококвалифицированной работы с полной отдачей. Г. Мунинова тоже врач с большим стажем. В больнице везде чистота и порядок. Очень надежно, когда рядом работают такие замечательные люди, и наше здоровье в их надежных руках.

А. Ананян,
г. Китаб, Кашкадарья.

Мне хочется рассказать о докторе З.Эркабаеве. С острым приступом я попала в больницу, где мне была сделана операция. Я очень признательна ему за возвращенное здоровье, за его многолетний врачебный труд. Большое спасибо всей команде врачей, которые помогли мне в трудную минуту моей жизни.

Л. Махнакова, г. Гулистан.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Сиз азиз тиббиёт ходимлари
ва юртдошларимизни
энг улуг, энг азиз байрам —
Мустақиллигимизнинг

20 йиллиги

хамда Рамазон ҳайити
муносабати билан қизгин ва
самимий муборакбод этади.
Барчангизга мустаҳкам соғлиқ,
оилавий бахт, Ватан равнақи
йўлидаги меҳнатларингизда улкан
зафарлар тилайди!
Истиқлолимиз абадий бўлсин!

Тадбир БОЛАЖОНЛАР ҚАЛБИГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Истиқлолнинг 20 йиллигини кўтаринки руҳда кутиб олаётган ҳар бир инсон қалбида Ватанга бўлган туйғу қанчалик юқори эканлигини ўтказилаётган байрам тадбирларидан англаб олиш қийин эмас. Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида ҳам энг улуг ва энг азиз байрамимизга бағишланган кечаларнинг ўтказилаётганлиги ҳар бир инсон қалбига қувонч ва шодлик олиб кирмоқда.

Айниқса, болажонларимиз тарбияланаётган ва даволанаётган муассасалардаги тантаналар уларнинг кайфиятига янада хуш кайфият қўшмоқда. Қуни кеча Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли У. Қурбонов номидаги болалар руҳий-асаб



касаликлари шифохонаси жамоаси тарбияланаётган ва даволанаётган болалар учун катта байрам тадбири уюштирди. Унда шифохона бош врач Ш. Нурматова сўз олиб, иштирокчиларни байрам билан самимий қутлаб, Ватанимиз тарихи, эришилган муваффақиятлар тўғрисида гапириб ўтди. Сўнгра болажонлар иштирокида концерт дастурлари намойиш этилди. Бундан ташқари, мазкур муассасадаги иқтидорли болаларнинг хунармандчилик йўналишидаги ишлари кўргазмага чиқарилиб, ташриф буюрганлар эътиборини тортиди.

Байрам кечасининг кўтаринки руҳда ўтганлиги болаларнинг мустақиллигимизга бўлган меҳр ва муҳаббатларини янада оширди.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Шеърят

ҚАЛБЛАРДА ОНА-ЮРТ МАДҲИ

ЎХШАЙДИ

Ўзбекистон диёрим гулхонага ўхшайди,
Тароналар ярашган тўйхонага ўхшайди.
Узоқ-яқин қариндош, дўстлар тўлган хонада
Меҳмонларнинг хурмати шоҳонага ўхшайди.

Осмонўпар бинолар, Оксарою Кўксарой,
Кўк тоқига чирмашган кошонага ўхшайди.
Катта, равон йўллари, дарёлари, кўллари,
Буюк Ипак йўллари ягонага ўхшайди.

Гўзалликда Тошкентим, Нукус, Термиз, Хоразм,
Самарқанду Бухоро, Фарғонага ўхшайди.
Гулистондир Андижон, Намангану Жиззахлар,
Қашқадарё, Навоий дурдонага ўхшайди.

Асра Инсон элингни, равон айла йўлингни,
Огоҳларга Оллоҳ ёр замонага ўхшайди!
Ҳофизларинг мадҳингни чин юракдан куйласа,
Искандаринг ишқингда девонага ўхшайди!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Куролли Кучлар фахрийси.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН

Гуллагин, улуг халқ суйган диёр,
Гуллагин, қалбида сеҳри барқарор,
Дили пок, меҳрию ҳиммати бисёр,
Мустақил ўзбеклар Ўзбекистони.

Гуллагин, саховат соҳиби яккаш,
Мурувват элчиси, оқилу дилкаш,
Исми жисми ила уйқашу ўхшаш,
Мустақил ўзбеклар Ўзбекистони.

Гуллагин, яхшилик улашолган юрт,
Ризқини беминнат бўлашолган юрт,
Самимий, чин дилдан сўрашолган юрт,
Мустақил ўзбеклар Ўзбекистони.

Гуллагин, хур Ватан, эркин қанот қоқ,
Дўсту ёронларга меҳр билан боқ,
Азим дарё сифат тўлқинланиб оқ,
Мустақил ўзбеклар Ўзбекистони.

Гуллагин, мусофир севган юлдузи,
Зулматдан соғ-омон келган кундузи,
Қолмагай қалбингда тобелик изи,
Мустақил ўзбеклар Ўзбекистони.

Нурмат ОТАБЕКОВ.

ИСТИҚЛОЛ ТҲЙИНГ МУБОРАК БЎЛСИН!

Истиқлол тўйинг муборак бўлсин,
Азиз она юртим, Ўзбекистони.
Халқим меҳнатидан яралган шону
Шухратинг, камолот, гурур, иймонинг.
Йигирма ёшинг муборак бўлсин, Истиқлолим!

Кутлуғ тўйинг муборак бўлсин,
Жаҳон маррасида голиб чиққанинг.
Истиқлол осмонинг нурларга тўлсин,
Белингга шоҳона камар таққанинг.
Йигирма ёшинг муборак бўлсин, Истиқлолим!

Кутлуғ тўйинг муборак бўлсин,
Осмон ёруғ, юзимиз бўлсин мунаввар.
Меҳру оқибатга йўлласин иймон,
Залворинг янгрисин шаҳдам, устувор.
Йигирма ёшинг муборак бўлсин, Истиқлолим!

Кутлуғ тўйинг муборак бўлсин,
Мадҳиянғ баралла, шўх жарангласин.
Халқимнинг боботоғ улуг отаси,
Юртбошимизни Оллоҳ кўлласин.
Йигирма ёшинг муборак бўлсин, Истиқлолим!
Мустақил бўлганинг муборак бўлсин!
Марям АҲМЕДОВА.

Газетанинг навбатдаги сони
9 сентябрь куни чиқади.

Газета

муассиси:

Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Анвар АЛИМОВ

Нашр учун масъул

Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «!» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.

Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 6275 нусха.
Буюртма Г-845.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҲШОҚОВ. Навбатчи Владимир ПОЖОГИН.
Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

